

## Агентлик бошлигининг Қашқадарё вилоятида сайёр қабули

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорининг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили деб эълон қилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи В.Исмоиловнинг Қашқадарё вилоят ҳудудида рўйхатдан ўтган юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган ташувчилар вакиллари ҳамда тадбиркорлар билан жорий йилнинг 2 феврал қуни сайёр қабули бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи В.Исмоилов сўзга чиқиб, республикамизда автомобиль транспортида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва қабул қилинаётган қарор ва қонунлар тўғрисида гапириб ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили деб эълон қилганлиги муносабати билан ташувчилар ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўtkазиш учун Қашқадарё вилоятига келганлигини, тадбиркорлар томонидан берилган саволлар ва қўтарилиган муоммаларга жойида жавоб берилиб, ҳал қилиниши бошқа ташкилотларга боғлиқ масалалар ўрганиб чиқилиб чоралар кўрилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қарорида бажарилиши керак бўлган масалаларга ва ташувчилар томонидан қарор асосида Қашқадарё вилоятида қилиниши керак бўлган масалаларга тўхталиб, керакли тавсиялар берди. Ушбу қарор билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурга кўра Қашқадарё вилоятида 287 та янги автобуслар сотиб олиш, 3 та янги автостанциялар қуриш ва 3 та автостанцияни реконструкция килиш ҳамда 2019 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган микроавтобуслардан 490 дона сотиб олиш ва 16 та янги йўналишларни ташкил этиш, Қарши шаҳрида йўловчи ташиш транспортида йўлкира учун нақд пулсиз ҳак тўлаш, автобуслар ва микроавтобуслар ишини масофадан туриб назорат қилиш (GPS) тизими жорий этилишини ҳамда бу тизимларни жорий этиш Агентликнинг АДТРНТТ Республика маркази мутахасисслиари томонидан амалга оширилиши ҳақида қисқача маълумот берди.

Шунингдек, лицензияларни олишда тадбиркорларга қулайлик яратиши мақсадида Дастур ишлаб чиқилганлигини ва яқин кунларда ишга туширилгандан кейин тадбиркорлар хеч қандай оворагарчиликсиз ўз жойларида ўтирган холда компьютер орқали мурожаат қилиб шаҳарлараро лицензия олиш имкониятига эга эканликларини айтиб ўтди.

Шундан сўнг Агентлик бошлиғи В.Исмоилов билан ташувчилар ва тадбиркорлар ўртасида савол – жавоб орқали очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Хусусан, “Лобар нур транс” МЧЖ таъсисчиси Парда Ражабов, “Ўғилой” МЧЖ таъсисчилари раиси Э.Алиев, Яккабоғ автостанцияси бошлиғи Ш.Қўшшаев, “Иқболой Дамас” МЧЖ раиси Майдон Суропов томонидан берилган саволларга аниқ ва батафсил жавоблар берилиди.

Айтиб ўтиш жоизки, мана шундай очиқ ойдин тарзда ташкил этилаётган сайёр учрашувлар мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар, сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга берилаётган эътибор ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакиллантиришга хизмат қилади.

Ўзларининг саволларига ҳар томонлама ва тўлиқ жавоб олганларидан сўнг, учрашув иштирокчилари яна бир бора Агентлик раҳбариятига тадбиркорларга бўлган диққат, эътибор учун ўз миннатдорчиликларини билдириб ўтдилар.